



ECOLOGICAL CONSEQUENCES OF WATER LEVEL DECREASE IN THE AYDAR-ARNASOY LAKE SYSTEM

Mirkomil Ravshanovich Godalov

*Head of the Department of Geography and Basics of Economic Knowledge, associate professor
Jizzakh State Pedagogical University*

Jizzakh, Uzbekistan

E-mail: mirkomilgudalov78@gmail.com

ABOUT ARTICLE

Key words: Aydar-Arnasoy lake system, ecological problem, local, regional, analysis, ecological situation, environment, biological diversity, landscape.

Received: 15.01.24

Accepted: 17.01.24

Published: 19.01.24

Abstract: In this article, the changes in the environmental conditions of the surrounding landscapes due to the decrease of the water level in the Aydar-Arnasoy lake system in recent years were thoroughly studied and analyzed.

АЙДАР-АРНАСОЙ КЎЛЛАР ТИЗИМИДА СУВ САТҲИ ПАСАЙИШИНING ЭКОЛОГИК ОҚИБАТЛАРИ

Миркомил Равшанович Ғўдалов

*География ва иқтисодий билимлар асослари кафедраси мудири, доцент
Жиззах давлат педагогика университети*

Жиззах, Ўзбекистон

E-mail: mirkomilgudalov78@gmail.com

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Айдар-Арнасой кўллар тизими, экологик муаммо, локал, регионал, таҳлил, экологик вазият, муҳит, биологик хилма-хиллик, ландшафт.

Аннотация: Мазкур мақолада, сўнги йилларда Айдар-Арнасой кўллар тизимида сув сатҳининг пасайиши оқибатида атроф-муҳит ландшафтларнинг экологик вазиятларини ўзгаришлари атрофлича ўрганилди ва таҳлил қилинди.

ЭКОЛОГИЧЕСКИЕ ПОСЛЕДСТВИЯ СНИЖЕНИЯ УРОВНЯ ВОДЫ В АЙДАР-АРНАСОЙСКОЙ ОЗЕРНОЙ СИСТЕМЕ

Миркомил Равшанович Ғўдалов.

*Заведующий кафедрой географии и основ экономических знаний, доцент
Джиззакский государственный педагогический университет*

Джиззак, Узбекистан

E-mail: mirkomilgudalov78@gmail.com

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Айдар-Арнасойская озерная система, экологическая проблема, локальный, региональный, анализ, экологическая ситуация, окружающая среда, биологическое разнообразие, ландшафт.

Аннотация: В данной статье подробно изучены и проанализированы изменения экологического состояния окружающих ландшафтов вследствие снижения уровня воды в Айдар-Арнасойской озерной системе в последние годы.

КИРИШ

2023 йилнинг 16 феврал куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатнинг Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари ва экология кўмитаси йиғилишида, Айдар-Арнасой кўллар тизими ва унинг атрофидаги экологик муаммолар ҳам кенг миқёсда кўриб чиқилди. Демак, Айдар-Арнасой кўллар тизими ва унинг атрофидаги экологик муаммо - локал доирадаги муаммодан, регионал доирадаги муаммо даражасига кўтарилганлиги айтилмоқда. Шу боисдан ҳам, Айдар-Арнасой кўллар тизими ва унинг атрофидаги экологик вазиятга, ҳукумат доирасида алоҳида эътибор берилиб, муҳитни яхшилаш учун бир қанча қарор ва фармонлар ишлаб чиқилганлигини таъкидлаш лозим.

Жумладан, Айдар-Арнасой кўллар тизимидан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш борасида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 7 мартдаги 124-сон “Айдар-Арнасой кўллар тизимининг биологик ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлашга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ва 2019 йил 11 июндаги 484-сон “2019-2028 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида биологик хилма-хилликни сақлаш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга ошириш белгилаб берилган.

АСОСИЙ ҚИСМ

Айдар-Арнасой кўллар тизими ва унинг атрофидаги экологик вазиятни яхшилаш борасида, “Ўздаверлойиха” давлат илмий-лойиҳалаш институти томонидан Жиззах ва Навоий вилоятларининг кўллар тизимига туташ ҳудудлари хатловдан ўтказилди. Кўл сувини муҳофаза қилиш минтақалари бўйича дастлабки электрон харита яратилди.

Узгидрометеорология маълумотиغا кўра, Айдар-Арнасой кўллар тизимининг сув ҳажми 2006 йилда 42,1 млрд м³ ни ташкил этган. Сўнги йилларда иқлимнинг ўзгариши ва ташқи сув манбаларидан ташланаётган чучук сув миқдорда айрим йилларда камайиши ва бошқа қатор омиллар сабаб, кўллар тизимидаги сувнинг сатҳи 2 м гача пасайиб, сув ҳажми 36,8 млрд м³ га тушган. Натижада, кўл сувнинг минераллашув даражаси ошган. Бу ўз навбатида, айрим турдаги балиқларга ва сув ўтларга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Айдар-Арнасой кўллар тизимида сув сатҳининг пасайиши ҳисобига қирғоқ бўйлари 15-50 м га чекиниб, 15-20 см гача, баъзи жойларда ундан ҳам кўпроқ туз қатлами пайдо

бўлган. Бунинг оқибатлари кўллар ва уларнинг атрофидаги экотизимдаги ўзгаришларда, шу жумладан сувли-ботқоқли ҳудудларнинг ўзига хос флора ва фаунаси камайиб боришида намоён бўлмоқда.

Мутахассисларнинг маълумотларига кўра, Айдар-Арнасой кўллар тизимида ҳар йили қишлаш учун январ-март ойларида 400 га яқин, шулардан 13 турдаги халқаро ва 24 турдаги Ўзбекистон “Қизил китоб” ига киритилган қушлар учиб келган. Кўл ва унинг атрофидаги экотизим ўзгаришлари, бу қушларнинг миграция йўналишларини ўзгартириши ва йўқолиб кетишига ҳам олиб келиши мумкин.

Жиззах вилояти ҳудудида туризмни ривожлантириш бўйича 11 та лойиҳа ишга туширилиб, ички туризм объектлари томонидан 15 млрд сўмдан зиёд маблағ ўзлаштирилган.

Шунингдек, ҳудудда 2022 йилнинг баҳор мавсумида 200 гектар ҳимоя ўрмонзорлари барпо этилиб, 2 км масофада чорвачилик билан шуғулланишни чеклаш бўйича “Экопатрул” тизими томонидан назорат ўрнатилган.

Айдар-Арнасой кўллар тизими сув ҳажмини сақлаб туриш мақсадида Мирзачўл коллекторининг назорат пунктида “ақлли сув” қурилмаси ўрнатилиб, сув ҳисоби олиб борилиши йўлга қўйилди. Эконадзорат ишлари натижасида, 2022 йил давомида кўллар тизими 1 млрд 918 млн м³ ички коллектор-дренаж сувлари билан тўйинтирилди.

Узгидрометеорология маълумотида кўра, 2023 йилнинг 10 февралга қадар, Айдар-Арнасой кўллар тизимида ташқи сув манбаларидан 500 млн м³ дан ортиқ чучук сув ташланган. Шунингдек, келгусида кўллар тизимида ташқи манбаларидан қўшимча 1 млрд м³ чучук сув олиш масаласи юзасидан амалий ишлар давом эттирилмоқда.

ХУЛОСА

Айдар-Арнасой кўллар тизимида сувнинг кирим-чиқим балансига алоҳида эътибор берилмаса, келгусида Орол денгизи қисмати такрорланиши мумкин. Кўллар тизими ва унинг атрофида экологик муаммоларни илмий-амалий жиҳатдан ўрганиб, қуйидаги таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқилди.

➤ Айдар-Арнасой кўллар тизими ва атрофидаги ландшафтлар, бир бутун геотизим сифатида, кўллардаги сув ҳажмининг ўзгариши атрофдаги ландшафтларга таъсири нуқтаи назаридан ўрганиш;

➤ Айдар-Арнасой кўллар тизими ва унинг атрофидаги ландшафтларнинг асоси бўлган геологик-геоморфологик тузилиши ҳамда тупроқ, ўсимлик, ҳайвонот каби компонентларидаги ўзгаришлар ва рўй бераётган табиий географик жараёнларни ўрганиш орқали ландшафт хусусиятларини аниқлаш;

➤ сўнги йилларда Айдар-Арнасой кўллар тизими сув балансида кирим қисми (2,5 км³) га нисбатан чиқим қисми (4,4 км³) ортаётганлиги ва оқибатда сувнинг камайиши кузатилмоқда. Кўл сатҳини 245 м да ушлаб туриш учун яна 1,9 км³ ҳажмда сув зарур бўлади. Агарда сув баланси тенглиги таъминланмаса, кўл сатҳи йилига ўртача 30 см гача тушиб бориши аниқланди;

➤ Кўл суви камайишига боғлиқ ҳолда атрофдаги ландшафтларда бўладиган ўзгаришларни ўрганишда В.А.Николаевнинг (1979) ландшафт прогнозлаш методи ва уни қайта тўлдирган ҳолда қисқа (3-5 йил) ўрта (6-29 йил) ва узоқ муддатли (30-70 йил) прогнозлар ишлаб чиқилди;

➤ Айдар-Арнасой кўллар тизимида сув камайиши шу миқдорда давом этса баъзи бир қирғоқга яқин ландшафтларда қисқа муддатли даврда хусусияти ўзгармайди, ўрта муддатли даврда гидроморф хусусиятдан ярим гидроморф, узоқ муддатли даврда автоморф хусусиятга ўзгаради. Қирғоқдан 10 км узоқликдаги ландшафт хиллари ўрта муддатли даврда ярим гидроморф хусусиятдан автоморф хусусиятга ўтади. Бошқа ландшафт хиллари автоморф бўлиб, Айдар-Арнасой кўллар тизимида сувнинг камайиши рўй берса ҳам ландшафтлар структурасида жиддий ўзгаришлар кузатилмайди.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

[1]. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони.// [http: lex.uz/pages/getpege](http://lex.uz/pages/getpege).

[2]. Alibekov L, Alibekova S, Hazarov I, Gudalov M. About some regularities of geosystems degradation in Central Asia. Tatranka Javorina, Slovakia, 2012, Vol 21, № -1, 42-44 p

[3]. Рафиқов А. Географик прогнозлаштириш асослари. -Т: 2003 47-51

[4]. Ғўдалов М. Айдар-Арнасой кўллар тизимининг ландшафтларга таъсири. // г.ф.ф.д. PhD илм. дар. олиш учун тақдим эт. дисс. – Т.:2019.- 24 б.

[5]. Gudalov M. Foundation of Aydar-Arnasay lakes system and their effects on the environmental landscape. Nature and Science. Volume 17, Number 11 November 25, 2019 USA New York.

[6]. Sharipov Sh, Gudalov M, Shomurodova Sh. Geologic situation in the Aydar-Arnasay colony and its atropy. Journal of Critical Reviews. Volume 7, Issue 3, 2020 Maleziya Kuala-Lumpur.